

### 90. ТЕХНИК – ФОЙДАЛАНИШ ВА ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Бўлим фаолиятини ва ходимлар меҳнатини ташкил этиш;
- Иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- Филиал бино-иншоотлари, худудлари, ер майдонлари, гулзорлар, дарахтзорлар, ариқларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини бажариш;
  - Биноларни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажаришда тегишли ходимларни меҳнатини ташкил қилиш;
  - Ўқув, лаборатория ва талабалар турар жойлари биноларини ўқув ва юмшоқ меҳел билан жихозларини таъмирлаш ишларини бажариш;
  - Бинолардаги ва кафедлардаги юмшоқ ва қаттиқ жихозларни созлигини ва талаб даражада сақланишини назорат қилиш;
  - Жихозларни инвентаризациядан ўтказишда қатнашиш;
  - Хўжалик ишларига ажратилган қурилиш, таъмирлаш материаллари ва хўжалик ашёларини тежамли ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш;
  - Тегишли худуддаги экология, атроф-муҳит тозалиги, дарахтлар ва гулларни парваришлаш, кўкламзорлаштириш ишларини олиб бориш;
  - Тегишли худуддаги электр тармоқлари, ёриткичларни созлигини ва доимий ишлашини таъминлаш;
  - Хўжалик соҳасида хизмат қилувчи техник ходимлар-фаррош, қоровул, электрик, сантехник, боғбон, ишчи ва бошқа техник ходимларнинг фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш;
  - Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
  - Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

#### Билиши керак:

Хўжаликни юритишга тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни Филиали ички- тартиб қоидаларини билиши.

#### Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга – интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, мустақил қарор қабул қилиш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маъмотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

#### Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	УМҚТМТЎҚМ ва ОЎЙМҚ бўйича коди
1946.	Бўлим бошлиғи	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра